

Жавохирлаъл Неру(1889-1964)-Хиндистон давлат, сиёсий ва жамоат арбоби миллий озодлик харакати курашида М.К.Гандининг сафдоши сифатида фаолият кўрсата бошлади. Жавохирлаъл Неру тарихда "Янги Хиндистон бунёдкори" номи билан машхур бўлди. Жавохирлаъл Неру 1947 йил 15 августда Дехлида машхур Лал Калъада Хиндистон Миллий мустакилликни кўлга киритганлигини эълон қилди. 1947 йилдан бошлаб Хиндистон Республикаси бош вазири ва ташки ишлар вазири сифатида фаолият олиб борди. Жавохирлаъл Неру рахбарлиги даврида Хиндистон жуда катта муваффакиятга эришди. Жумладан, халк хўжалиги, фан ва маданиятнинг ривожига ўз хиссасини қўша олди. Жавохирлаъл Неру ташки сиёсат асосларини яратди, халқаро чигал масалаларни хал этишда жонбозлик кўрсатган эди. Унинг мустамлакачилик, иркчиликка қарши изчил кураши, ёппасига курулганига чек қўйиш, халқлар ўртасида тенглик, ҳамкорлик сиёсати халқаро майдонда Хиндистон нуфузини оширди. Жавохирлаъл Неру қўшилмаслик сиёсатини яратди. Қўшилмаслик сиёсати ва фалсафасини яратувчиларидан бири Жавохирлаъл Неру халқларнинг моддий фаровонлигини факат тинчлик шароитида бунёдга келтириш мумкин, деб оир неча бор уқтирган эди. Тинчлик-бу факат урушдан холи бўлиш эмас, балки давлатларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳамдир. Хиндистон ва шу каби давлатлар халқаро микёсда муҳим роль ўйнаш учун ҳеч қандай ҳарбий блокка қўшилмаслиги керак, деган эди у. Жавохирлаъл Нерунинг олиб борган сиёсат унинг ажойиб шахе эканлигини билдирди. Жавохирлаъл Неру отаси билимларини пухта эгаллади ва аста-секин сиёсат оламига кириб кела бошлади. Гарб маълумотини олган ва бу унинг дунёқарашига катта таъсир кўрсатса-да, у Хиндистон маданиятига жуда кизикар эди. Брахманлар кастасига тегишли бўлса-да, у ўзини индус деб ҳисобламас, унинг кўпгина урф-одатларига танкидий қарар эди. Конгресснинг бошқа номоёндаларидан фарқли у ижтимоий ўзгаришлар ва адолатга каттик ишонарди. Кастачиликнинг душмани бўлган Жавохирлаъл Неру хинд жамиятидаги тенгсизликни сабабларини сиқиб чиқариш, эркак ва аёлларнинг ҳуқуқи тенг бўлган давлат ташкил қилишни орзу қилган. Жавохирлаъл Неру хинд халқининг ҳаётини гарб билан тенглаштиришни истарди. Тажрибага эга бўлган социалист буларни амалга ошириш учун замонавий технология асосида саноат ишлаб чиқаришни амалга ошириш керак деб ўйлайди. Бирок, собик Совет Иттифокига қанчалик ҳавас қилмасин, Жавохирлаъл Неру демократия тарафдори бўлиб қолди. У "иктисодий ажойибот"ни демократик йўл билан қурмокчи бўлди. Мамлакатдаги улкан иктисодий ва ижтимоий муаммоларга қарамасдан хинд демократик қучларини бирлаштира олди. Хитой ва собик СССРга ўхшаган йирик мамлакатларнинг иктисодий ва ижтимоий ривожланиши анча юқори бўлган мамлакатлардан фарқлироқ Жавохирлаъл Неру ҳар бир инсон озодлигига босим ўтказмасдан ва зарар келтирмаган ҳолда ривожлантиришни ваъда қилди. Жавохирлаъл Неру Хиндистон бош вазирлигининг биринчи икки ярим йили давомида қудратли ички ишлар вазири Валмебхан Пател билан ишлади. Валмебхан Пател партия ташкилотини назорат қиларди ва у ҳуқуматдаги иккинчи муҳим шахс эди. Пател консерватив характерга эга бўлиб, индустриал манфаатини қўллаб қувватларди. У Жавохирлаъл Нерунинг кўпгина таклифларига қарши чиқарди. Бу икки сиёсатчи ўртасидаги қелишмовчиликлар тез орада ўсиб, партия ишларини назорат қилиш бўйича масалаларда кураш бошлаб юбордилар. Галабани Пател қўлга киритди. 1950 йилда унинг таклифи билан

П.Д.Тандон Конгресс партиясининг президанти бўлиб сайланди. Тез орада Патель вафот этди. Жавохирлаъл Неру эса партияди кўлга киритиш учун фаол ҳаракат бошлаб юборди. П.Д.Тандон истеъфога чиқишга мажбур бўлди, Жавохирлаъл Неру эса президентликни ўз кўлига олди. 1952 йилги сайловларда Жавохирлаъл Неру галаба қозонди ва умрининг охиригача партияди ва ҳукуматнинг бошлиғи бўлиб, умрининг охиригача фаолият қўрсатди.

1950 йил 26 январда Хиндистон ўзини республика деб эълон қилди. Британ парламенти модели бўйича ўзининг янги конституциясини қабул қилди. Бу моделга кўра давлат бошлиғи қозонда президент бўлди, лекин республиканинг асосий етакчиси бўлиб, бош вазири, парламентда кўпчилик партиясининг бошлиғи Лок Сабха бўлиб қолди. Лок Сабха ("Халқ палата"си) умумий овоз билан 5 йилда бир марта сайланадиган 500 кишидан иборат эди. Республика шаклига кўра давлатчилик тизими федерал бўлиб, Янги Дехлидаги марказий ва ҳар бир штатдаги маҳаллий хокимиятдан иборат бўлган икки ҳукуматнинг ўзаро алоқасидан иборат эди. Ҳар бир штатнинг ўз бош вазири бўлиб, у маҳаллий партияди ва штатнинг қонунчилик хокимиятини бошқарар эди. Марказий хокимиятни бошқариш қўлайтириш мақсадида Янги Дехли штатлар бўйича баъзи қарорларни бажариш ҳуқуқини кўлга олди. Алоҳида вазиятларда президент штат маъмуриятини бошқариш мумкин бўлди. Ҳукумат олдидаги вазифалар марказ ва штатлар ўртасида бўлинди. Марказий хокимият мудофаа, ташқи сиёсат, алоқа, темир йўл транспорти ва молия ишларини бошқарарди. Штатлар эса соғлиқни сақлаш, маориф, қишлоқ хўжалиғи, маҳаллий хокимият органларининг иши, полиция ва суд ишларига жавоб беради. Жавохирлаъл Нерунинг гоёларига асосланган ҳолда янги республика тўлалигича мустақил давлат деб эълон қилинди. Индуизм динига сиғинадиган аҳоли кўп бўлишига қарамастан мамлакатнинг асосий дини йўқ эди. Черковлар давлатдан ажратилди, мактаблар эса черковдан ажратилиб, уларни давлат қўлламасди. Жавохирлаъл Неру ва унинг издошлари фикрига кўра, бу йўл билан аҳолини янги Хиндистон маданиятига ўтказиш осон кечарди.

Мустақилликдан сўнг Хиндистон таркибига қирган мустақил князликлар асосий муаммо бўлиб қолди. Маунбеттен режасига кўра 550 дан ортиқ князликлар Хиндистон таркибига ёки Покистон таркибига қиришни танлашлари лозим эди. Порахўрлик, алдов ва қўч билан Патель уларни Хиндистон таркибига қиришига муваффақ бўлди. Бироқ мўғуллар давридан ҳукм суриб келаётган улуг Хайдаробод князлиғи Хиндистонга қўшилишдан бош тортди. Патель мамлакатнинг қўқ ўртасида бўлган ярим мустақил ва душманчилик ниятидаги бу давлатга 1948 йил 13 сентябрда қўшин жўнатди. Ундан ҳам қийин муаммони Хиндистон билан ГАРБИЙ Покистон чегараси ўртасидаги Кашмир қелтириб қикарди. Мамлакатнинг тўртдан уч қисмини мусулмонлар ташкил қилсада, унинг ҳукмдори Махараджа Хари Сингх эди. У ё хохламаслиғи, ёки Хиндистон ва Покистондан бирига ўтишни танлашни орқага суради. Покистон чегара бўйлаб мусулмонлардан ташкил топган ихтиёрий қисмларини шай қилиб қўйди. 1947 йил октябрда улар Кашмирга қирдилар. Босиб олиш мақсадида унинг пойтахти Сринагаруга йўл олдилар. Хокимиятни қўлдан бой беришдан қўрққан Хари Сингх Хиндистонни танлади ва Янги Дехлидан ёрдам сўради. Сринагаруга самолётларда хинд аскарлари ташланди. Шиддатли жанглардан сўнг Покистон қўшинлари чекиндилар. Сринагар ва Кашмир водийси Хиндистонга қўшилди. Кашмирнинг ГАРБИЙ қисми Покистонликлар қўлида қолди. Штат раҳбарлари аста-секин хинд жамятига қўшилиб қетдилар. Махаражлик ҳуқуқлари ўрнига Хиндистон

конституциясида уларга бир канча хукуклар берилди.

Уларга мерос ерлари, унвонлари ва хар йили бериладиган пул микдори белгиланди.

Уларнинг баъзилари сиёсатчи, элчи, бизнесмен ва Хиндистоннинг энг бой кишиларига айланиб колдилар.

1951-1952 йиллардаги умумий сайловлар Хиндистонни дунёдаги йирик демократик мамлакат эканлигини тасдиқлади. Марказий ва махаллий хокимиятдаги 4 минг ўринга ракобатлашган 17 минг депутат учун хинд кишилари ўзларининг овозларини бердилар. Бу Жавохирлаъл Нерунинг диндан алохида бўлган ўта маданиятли Хиндистон йўлини текшириш омили бўлди. Натижада миллионлаб хинд халкининг ишончига сазовор бўлган Жавохирлаъл Неру ва унинг Хиндистон Миллий Конгресс партияси Лок Сабхада 499 та ўриндан 364 тасига эга бўлди. Махаллий сайловларда бу партия 26 та штатдан 22 тасини эгаллади. Бу эса Жавохирлаъл Нерунинг мавкеини мустахкамлаб берди. Уларнинг душманлари коммунистлар бўлиб, атиги 3 та -Анухра, Прадеш, гарбий Бенгалия ва Керал штатлари уларни кўлладилар. 1957 йилги сайлоаларда конгресс партияси янада кўпрок овозга эга бўлди. Унинг тарафдорлари 183 миллионни ташкил килди. Лок Сабхадаги 500 ўриндан 365 та овозга эга бўлдилар. Факат Кералда хокимият тепасида коммунистлар колдилар. Коммунистлар дан ташкари мухолифатнинг бир кисмини ўнглари партияси Бхаратия рахбари Жан Санх ("Хинд халклари партияси") ва Сватантра ("Озодлик партияси") ташкил этар эдилар, лекин улар коммунистларча ҳам оммабопликни кўлга киритмадилар.

Жамиятни кўпрок ўйлантирадиган асосий масалалардан бири, бу мамлакат ичкарасидаги сиёсат эди. Бош вазир Жавохирлаъл Неру бу масалага жиддий эътибор қаратарди. Хиндистонга ўхшаган кўп миллатли ва кўп маданиятли мамлакатни бирлаштириш кийинчилигини билган Жавохирлаъл Неру мамлакатни "тил" жихатидан бўлишга бўлган харакат эди. 1950-1956 йиллар давомида Хиндистон харитасини тил принципи бўйича тўхтатиб кўйиш учун кураш бошланиб кетди. Турли тилларда: маратха, панжобча, гужаратча, тамилча, телуча гапирадиган ўзларининг махсус штатларини ташкил топишини талаб килардилар. Хинду тилида гапирадиганлар уни инглиз тили ўрнига давлат тили деб тан олишини исташарди. Жавохирлаъл Неру бундай бўлиниш мамлакат бирлигини йўқолишига олиб келишини яхши биларди, шунинг учун бунга иложи борича тўскинлик килди. Шимолий Хиндистонда хинду тили кенг ёйилишига карамасдан, мамлакатнинг турли бурчакларида хамма тушунадиган кадимги тиллар: инглиз, санскрит ва эронча тил хам мавжуд эди. Жавохирлаъл Неру инглиз тилига кўпрок ён босарди, чунки у бир томондан мамлакатга керакли янгиликларни олиб келар, иккинчи томондан мамлакатни бирлаштирувчи буюк куч деб қарарди. 1952 йилда у биринчи алохида "тил штати", "Андхра Прадеш"ни одамлар телуча тилида гаплашадиган штатга розилик беришга мажбур бўлди. У ўз фикрида қолиб: "Хали кўрасиз, арини уйини бузиб, кўпларни каттик чакишига дучор киламиз," -деган гаплар хозирги кунда ўз ифодасини топди. Шундан сўнг алохида тилда гапирадиган янги штатлар пайдо бўлди.

Жавохирлаъл Неру ва Хиндистон Миллий Конгресс партияси мамлакатнинг асосий масаласи-камбагалчилик эканлигини яхши биларди. Уларнинг олдида кийин вазифа: тез ўсиб бораётган мамлакатни турмуш тарзини хамда хаёт даражасини кўтариш турарди. 1941 йилда Хиндистонда 389 миллион ахоли бўлса, 1961 йилга келиб 434 миллионга етди. Бу вазифани хал килиш учун Жавохирлаъл Неру режали иктисодий ривожланиш сиёсатини илгари сурди. У собик СССР ва Гарб мамлакатларини энг яхши ютуқларини ўзига олган холда Хиндистонга тўғри келадиган учинчи йўлни топиш керак эди. У Гарб

фан ва техникаси асосида социалистик принцип бўйича огир саноат ривожлантиришни ният килган эди. Бу эса ривожланган капитализмни социалистик "тенглаштирув" билан мослаштиришга ёрдам берарди. Социализмни ёктиришига карамасдан Конгресс партиясини доимо йирик саноатчилар кўллашардилар. Хинд саноатининг гигантлари Г.Д.Бирла ва Дж.Р.Д.Тата ўзларининг асосий кучларини миллий окимларни кўллаб кўвватлаш учун сарф килардилар, чунки шу окимлар иктисодий манфаатларни заминини ташкил килади деб хисоблардилар. Иктисодни режалаштириш ва координациялаштириш зарурлиги, инвестициянинг кўлами, ривожланишига туртки бўла олиши хусусий сектор имкониятларидан узокка чиқишида Г.Д.Бирла ва Дж.Р.Д.Тата Жавохирлаъл Неру билан ҳамфикр эди. Давлат капиталининг соғломлаштирувчи окимигина Хиндистон иктисодини оёкка тургизишига ишонардилар. Иктисод жамоат ва хусусий секторга бўлинган эди. Саноатни ривожини хусусий кўлларда колдирилди, аммо ирригацион курилмалари, электростанцияларни куришни давлат бошкарарди. Саноатни ривожланиши бўйича назорат килиш учун янги конунлар кабул килинди ва улар хусусий компаниялар фаолиятини бошкарар эди. Улардан энг мухимлари 1951 йилдаги "Саноат хақидаги конун" ва 1956 йилдаги "Компаниялар хақидаги конун" эди. Биринчиси, давлатга хусусий фирмалар устидан хукмронлигини берарди. Ўзини эски саноатини янгиламокчи ёки кенгайтирмокчи бўлса давлатдан лицензия олиши керак эди. Иккинчиси эса, монополияларни жиловларди. Текширув ва чекланишлар ривожланишни сиқиб кўйган эди. Монополиялар эса назоратсиз колганидан ташкари яна ривожланди. 1961 йилда 86% компанияларда хусусий капиталнинг 14,6% ига тўғри келса, кичкина компанияларда 53% тўғри келарди. Лицензия олиш учун катта миқдорда пора бериш керак эди.

Коррупция ўзининг энг юкори чўккисига чикди.

Хиндистон иктисодий ривожланганини режалаштириш ва координациялаш учун Жавохирлаъл Неру 1950 йилда Миллий комиссияни ташкил эттирди. Яшаш даражасини кўтаришнинг асосий сабаби килиб саноатни ривожлантириш керак деб топилди. Хиндистонга кучли ва каттик иктисод керак эди. Буларни амалга ошириш учун учта беш йиллик режа ишлаб чиқилди. Биринчиси, 1951 йилдан бошланиб, асосий эътибор кишлок хўжалигига каратилган эди. Инглизлар Хиндистонда йирик сугориш иншоотлар системасини курган эдилар, лекин катта ерлар, ўзлаштирилмасдан қолиб кетган эди. Андхра Прадеш ва Майсур штатларининг чегарасидаги Тунгабхара тўғони 1,03 миллион акр ерни сугорар эди. Бу ва бунга ўхшаш тўгонлар Хиндистон энергетикасига катта хисса кўшардилар. Биринчи беш йиллик режа хисоб-китобларга караганда катта ютуқлар олиб келди. Озик-овкат махсулотлари 25%га миллий даромад эса 18% га ошди. Бу Жавохирлаъл Неру олиб бораётган сиёсатининг самараси эди.

Иккинчи беш йиллик режа (1956-1961 йиллар) саноатни ривожлантиришга каратилган эди. У миллий даромадни 25% кўтариши керак эди. Иккинчи беш йилликка уч барабар кўп махсулот сарфланди, лекин натижа кутилгандан ёмон бўлди. Шунга карамасдан, электрокувват ишлаб чиқариш икки барабар ўсди. Кумир казиб чиқариш, пўлат ишлаб чиқариш ўсди. Хиндистон саноат соҳасида анча ютуқка эришди. Янги Хиндистонда Жавохирлаъл Нерунинг беш йиллик режалари мамлакатни замонавий саноатлашган ривожланишига асос солди. Улардан сўнг мамлакат озик-овкат махсулотлари билан тўлиқ ўзини-ўзи таъминлай бошлади. Кутилган натижани беш йиллик режалар бермасида, уларнинг ёрдамида 1951-1961 йилларда миллий даромад 42% ўсди. Жавохирлаъл Нерунинг бош вазирлиги даврида демографик кўрсатувлар ўсди. Мамлакатда ўлим суратлари икки барабар камайди. Бу галабаларга карама-карши

бўлган асосий муаммо аҳолини ўсиши бўлиб, бир йилда 5-6 миллионга кўпая бошлади. Жавохирлаъл Неру буни билсада, лекин уни хал кила олмади. 1959 йилдагина хинд ҳукумати Жавохирлаъл Неру бошчилигида "оилани режалаштириш бўйича лойихалар"ни ишлаб чиқди. Бу лойихалар ҳеч қандай натижа бермади. Демографик портлаш саводсизлик билан боғланган эди. Кўпайиб бораётган университетлар, институтлар, коллежлар саводсизликка қарши курашишга ёрдам бера олмади. 1947 йилда 86% аҳоли саводсиз эди, 30 йилдан сўнг, 1979 йил 70% аҳоли аввалгидек ўқиш ва ёзишни билмасдилар. Ҳозирги кунга қадар Хиндистоннинг асосий муаммоси аҳолини тез суръатлар билан ўсиши ва саводсизлик бўлиб қолмади. Жавохирлаъл Нерунинг зиммасига юкланган жамоатчилик ишончи бу муаммоларни биринчи навбатда хал қилиши лозим эди. Унинг ҳаракатлари мамлакат жамият қурилишини тубдан ўзгартирди. Бунинг учун асосни Махатма Ганди тайёрлаб қетган эди, лекин бунга қарамадан жамият қонунлари ўтмишга бориб такаларди. Жавохирлаъл Неру Хиндистондаги мавжуд бўлган муаммоларни иложи борида тинч ва осойишталик билан амалга ошириш учун тинимсизҳаракат қилар эди. У ҳақиқий ва том маънодаги ватанпарвар шахс сифатида халк кўз ўнгида қолди.

Жавохирлаъл Нерунинг ҳаракати билан "аёллар ҳукуқи тўғрисида" қонунлар қабул қилинди. Бу олти йиллик кураш маҳсули бўлиб, аёллар ҳаётини янгилаш борасида инқилоб ҳисобланарди. Мустақилликдан сўнг аёллар ҳукуқи қонунларида эрақлар ҳукуқи билан тенглашди. Амалда эса эскича хотин-қизларга муносабат қоларди. 1955 ва 1956 йилларда Жавохирлаъл Неру муҳим қонунларни қабул қилишга муваффақ бўлди. Улардан биринчи хинд қонунлари тўғрисида бўлиб, хинд аёлига қонун бекор қилишга руҳсат берилди. Бундан ташқари, у эрақларда 18, қизларда 15 ёш деб белгилашга муваффақ бўлди. Жавохирлаъл Нерунинг ҳаракатлари оралигини хинд аёллари эрақлар билан баравар ҳуқуқларга эга бўлди. Шу билан бирга Жавохирлаъл Неру бошқаруви даврида Хиндистон дунё сахнасида ҳам ўз ўрнига эга бўлди. Қўшилмаслик сийёсатининг асоси маъмунини биринчи марта Жавохирлаъл Неру 1947 йил 4 декабрда Хиндистон таъсис мажлисида таърифлаган эди. "Бизнинг давримизда, деганди у, ташқи сийёсатнинг моҳияти битта умумий саволга бориб такалади: "Қим қайси гуруҳга мансуб?" Бу албатта масалани ниҳоятда соддалаштириб қўрсатишди...Биз эса ташқи сийёсатда ўзимизни бирорта томон билан боғлаб қўймасликка интилдик ва шунинг учун ҳеч қандай қўшилмадик. Биз ҳар бир халқаро масалани моҳиятига қўра ўз шахсий фикримиз билан хал этишга қилишимиз".

Жавохирлаъл Неру халқаро алоқалар бўлида қатта эркинлик билан ҳаракат қилди. Хинд халқи ва уларнинг мустақил мамлакатлари дунё сахнасида тўла ҳуқуқли бўлиши ва бошқа мамлакат унга ҳурмат билан қарашини хоҳлардилар. Халқ Жавохирлаъл Неру ташқи сийёсатни амалга ошириш режасини ишлаб чиқишига қизиқди. Сийёсатчи ҳолда Жавохирлаъл Неру бу халқ хоҳишини амалда баъжара олди. Қўрилган ва қамбағаллиги қарамадан Жавохирлаъл Неру бошчилигидаги Хиндистон халқаро майдонда муҳим роль ўйнади мамлакатга айлана олди. АКШ, СССР ва Буюк

Британия харбий альянси таркалди. Дунё икки карама-карши лагерга бўлинди. Улар ўртасидаги карама-каршилиқни юмшатиш учун Жавохирлаъл Неру "Кўшилмаслик сиёсатини" тутди. У АКШ ва собик СССР ўртасидаги муносабатларга аралашмасликка чакирди. Канча мамлакат кўшилса улар ўртасидаги муаммо катталашини тушунтирди. Жавохирлаъл Нерунинг харакатлари янги факторни "Кўшилмаслик харакати"ни келтириб чикарди. Унинг ўзи ва кизи Индира Гандининг фаолиятлари ва харакатлари натижасида халқаро муносабатларда Хиндистоннинг обрўси кўтарилди. 1947 йилдаёқ Хиндистон ҳукуматининг рахбари "Мен якин орада, айтайлик 2-3 йилдан сўнг дунё кўшилмаслик позициясини маъқул кўришига ишонаман... ва ҳозирда кучсиз бўлган талайгина кичик мамлакатлар бу масалада эҳтимол Хиндистондан ўрнак олсалар керак", деганди. 1947 йилда харбий блоklarга кўшилмаган мамлакат биргина Хиндистон ҳисобланган бўлса, ҳозирда кўшилмаслик харакатида 120 дан ортиқ Осиё, Африка, Лотин Америкаси ва Европа мамлакатлари иштирок этмокда.

Жавохирлаъл Неру бутун дунёда тинч-тотув яшаш гоёлари асосида тинчлик ҳамда ҳавфсизликни мустаҳкамлаш халқаро ҳамкорлик муҳимлигини бир неча бор таъкидларди, ҳал этилмаган халқаро муаммолар тинч воситалар билан бартараф этилиши мумкин ва лозим эканлигини уқтирарди. Хиндистоннинг кўшилари бўлмиш Хитой ва Покистон ўртасидаги алоқаларни яхшилаш борасида Жавохирлаъл Нерунинг омади келмади. 1948 йилги воқеалардан сўнг Покистон билан Хиндистон алоқаси ёмонлигича колди. Кашмир масаласи Хиндистон билан Покистон ўртасидаги муаммоли ҳудуд бўлиб колмокда. Бу икки мамлакат ўртасидаги келишмовчилик ҳозирги кунгача давом этиб келяпти. Жавохирлаъл Нерунинг Хиндистон билан Хитой ўртасидаги алоқаларини ўрнатишига килган харакатлари яхши натижа бермади. Шимоли-шарқий тоғли чегараларда бўлиб ўтган 1962 йилги воқеалар Хитой билан урушни келтириб чикарди. 15 минг фунт тепаликларда бўлиб ўтган харбий харакатларда ёмон куролланган, кучсиз тайёрланган хинд кўшилари урушга тайёр эмасликларини намоён килдилар. Хитойликлар хинд кўшилларини катта қисмини асирга олдилар. Уларнинг турган ерларидан суриб чикардилар. Хатто шимоли-шарқда жойлашган Ассам штати хитойликлар томонидан босиб олиниши мумкинлигидан штатдаги аҳоли ўртасида кўрқув пайдо бўлган эди. Хиндистон бахтига хитойликлар харбий харакатларни тўхтатиб, кўшилларини олиб чиқиб кетдилар. Бу воқеа Хиндистон обрўсига катта путур етказди. Хитой билан алоқаларни яхшилашга уринаётган Жавохирлаъл Нерунинг сиёсий ҳаётида, бош вазирлик давридаги катта сиёсий инкирозни келтириб чикарди.

1964 йил 27 майда Жавохирлаъл Неру вафот этди. Унинг вафоти Хиндистон учун катта талофат эди. 17,5 йил давомида Хиндистон давлати ишлари учун жавобгар шахе, уч марта кайта сайланган шахс эди. Демократик мамлакатлар учун бу рекорд натижа эди. Шуни тан олиш керакки, XXI асрда Жанубий Осиёда бундай обрўга эга бўлган бошка шахс ҳали йўқ. Унинг бошчилигида Хиндистон халқаро сахнада ўз ўрнини топди. У хақиқий ватанпарвар инсон эди. Жавохирлаъл Неру хокимият тепасига келиши билан ўз

олдига энг биринчи максад килиб кўлга киритилган мустикалликни мустикамлаш, Махатма Ганди асос солган ижтимоий-иктисодий ўзгаришларни давом эттириш масаласини кўйди. Хуллас, Жавохирлаъл Неру жонажон ватанини мустикал тараккиёт йўлида забардаст бўлиб туриши, уни кудратли, мустикам ва халкларини каттик жипслашган холда кўришни юрак кўри билан чин дилдан истарди. Хинд халки ва жахондаги тинчликсевар кучлар Жавохирлаъл Нерунинг олиб борган ишларини хеч қачон унутмайди.

Тўхтаева Раъно Нортўхтаевна